

Илмнинг аҳамияти



13:26 / 25.06.2020 5297

Аллоҳ алақдан яратган инсоннинг биринчи муаллими Аллоҳ жалла жало
луҳунинг Ўзидир. Аллоҳ унга қалам билан илм берган, билмаган нарсасини
ўргатган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни
уммийларга ва улардан бошқаларга муаллим қилди. У зот уларга Китобни
ва ҳикматни – Қуръон ва суннати мутоҳҳарани ўргатди. Аллоҳ таоло: **«У
уммийларга уларнинг ичидан Унинг оятларини ўқиб берадиган ва
уларни поклайдиган ҳамда уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган
Расулни юборган Зотдир. Ҳолбуки, улар илгари очиқ-ойдин
залолатда эдилар. Ва улардан ҳали уларга қўшилмаган бошқаларга
ҳам. Ва Унинг Ўзи азиздир, ҳақимдир»** (Жума сураси, 2-3-оятлар).

Расулуллоҳ соллаллаҳу алайҳи васаллам умматларига Китоб ва
ҳикматнинг ўзини ўргатдилар, чунки бу иккиси барча умматларни саодатга
етакловчи илоҳий ваҳийдир. Бу иккиси асосий мақсад бўлса, бошқа илмлар
унга элтувчи воситадир.

Ояти карималарнинг нозил бўлишига, уларнинг нозил бўлишига сабаб
бўлган воқеаларига ҳамаср бўлган қавм фикҳ, усули фикҳ деб аталган
илмларга муҳтож бўлмаган. Чунки улар Қуръоннинг тилини яхши
тушунишган, шариатни жорий қилиш жараёнидаги воқеа-ҳодисалар билан
бирга яшашган. Айти пайтда, бирор муаммога дуч келиб қолишса,

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бевосита мурожаат қилишган. Сийрат ва сийр, яъни ғазот аҳкомлари илмига келсак, бу илмларнинг қахрамонлари уларнинг ўзлари бўлишган, воқеаларнинг бевосита иштирокчилари бўлишган. Шунингдек, улар араб тили илмига ҳам беҳожат бўлишган, чунки улар шу тилнинг эгалари, юксак балоғат соҳиби бўлишган. Бу авлод замон тақозоси ўтган уламоларимизни мажбур қилган мантиқ ва баҳс-мунозара илми каби ақлий илмларга ҳам муҳтож бўлмаган.

Хуллас, улар Китоб ва Суннат илмидан бошқа илмга муҳтож бўлишмаган. Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга топширган вазифалар мана шу эди: **«Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик»** (Наҳл сураси, 44-оят).

Илм олиш шу тўрт рукн устига қурилган: Китоб ва Суннатни ўрганиш, муаллим (илм берувчи), мутаъаллим (илм олувчи) ва уларнинг орасидаги таълим жараёни. Ушбу тўрт рукн орасида мустаҳкам алоқа бор...

Илмнинг шарафи ўрганилаётган илмнинг шарафига қараб бўлади. Бу ерда ўрганилаётган илм эса Аллоҳнинг китоби, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Булардан улуғ илм борми?!

Толибнинг шарафи у ўрганаётган илмнинг шарафига, муаллимнинг шарафи ҳам у ўргатаётган илмнинг шарафига боғлиқдир.

Таълимнинг шарафи эса унинг самарасига, натижасига қараб бўлади.

Шу тўрт рукн бўлмаганида Ислом дини шу кунимизгача, Аллоҳ хоҳлаган вақтгача қолмаган бўлар эди...

Баззор ва Табаронийлар Абу Бакрадан ривоят қилишган ҳадисда «Ё олим бўл, ё мутааллим бўл, ё тингловчи бўл ёки (илмга) муҳаббатли бўлгин. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан», дейилган. Мен бу тўрт хислатга қуйидагиларни қўшимча қиламан: ё илм аҳлига ходим бўл, ё уларнинг илмини нашр қилувчи бўл, ё мактаб-мадрасалар очиб тарқатувчи бўл, ёки толиби илмларнинг ҳомийси бўлгин.

**Муҳаммад Аввоманинг «Маолимул иршодийя
ли синоати толибил илм» китобидан**

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси

